

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 658:6.01(575.1)

ХОЛИҚОВА РУХСОРА САНЖАРОВНА

РЕАЛ СЕКТОР ҚОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

(“Ўзпахтасаноат” АЖ маълумотлари асосида)

5A230102 – “Иқтисодиёт (реал сектор)” мутахассислиги бўйича

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц С.С. Қосимов

ТОШКЕНТ – 2018

Магистрлик диссертация иши долзарб мавзуга бағишланган бўлиб, унда инновацион технологияларнинг назарий асослари, реал сектор корхоналари фаолиятида улардан самарали фойдаланиш йўллари, инновацион ривожланишнинг истикболли йўналишлари ёритилган. Шунингдек пахтачилик тармоғи ва пахта саноатини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

This dissertation examines the issues of sustainable development of real sector enterprises based on the implementation of innovative technologies. In particular, the statistical indicators of the achieved results in this area are analyzed, the definitions of innovation activity and its specificity are given. The article also identifies problems in the sphere of innovative developments and their introduction into cotton production and gives some recommendations for the rational organization of production and processing of cotton products.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 07 - сонли баённома «14» май 2018 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н. доц. С.С.Қосимов




14.05.18 г

ИМЗО

сана

Магистр: Р.Холиқова



14.05.18 г


ИМЗО

сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси

мудири доц.И.Хотамов



“14” май 2018 йил

Ҳимоя 2018 йил “18” 06 соат 14:00 да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
I БОБ РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1. Инновацион технологиялар ва улардан корхоналар фаолиятида фойдаланишнинг зарурияти.....	9
1.2. Реал сектор корхоналари инновацион салоҳиятини оширишга таъсир қилувчи омиллар.....	19
1.3. Ўзбекистон реал сектор корхоналарида инновацион ривожланишнинг давлат механизмлари.....	27
Биринчи боб бўйича хулоса.....	34
II БОБ РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ	37
2.1. Реал сектор корхоналарида инновацион технологиялардан самарали фойдаланишнинг амалдаги ҳолати.....	37
2.2. “Ўзпахтасаноат” АЖ инновацион ривожланишининг таҳлили.....	42
2.3. Пахта ва тўқимачилик саноатида инновацион жараёнларни такомиллаштириш масалалари.....	54
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	59
III БОБ “ЎЗПАХТАСАНОАТ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	62
3.1. Реал сектор корхоналари ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда инновацион кластер стратегиясидан фойдаланиш йўналишлари.....	62
3.2. Пахта-тўқимачилик саноати кластерини шакллантириш масалалари.....	73
Учинчи боб бўйича хулоса.....	81
ХУЛОСА	83
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	89
ИЛОВАЛАР	96

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бизга маълумки, XX аср илм-фан, интеллектуал бойлик асри ҳисобланади. Миллий иқтисодийимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш, барча тармоқларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш энг долзарб масаладир. Бугунги кунда шиддатли рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнида юқори самарадорликка эришиш, сифатли ва рақобатбардош товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва бунинг натижасида иқтисодий юксалишга интеллектуал капитал яъни инновацияларсиз эришиб бўлмайди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган демократик бозор ислохотларининг ва Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг диққат марказида турган энг муҳим устувор вазифалардан бири – миллий иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш саналади. Жумладан, “..миллий иқтисодиётнинг таркибида саноат улушини кўпайтириш, юқори технологияли саноат ва қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, ҳар бир ҳудуднинг саноат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, янги саноат корхоналари ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш” деб таъкидланган.¹

Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги кунда Ўзбекистонда илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хом ашё ресурсларимизни чуқур қайта ишлашни, экспорт салоҳиятини кўпайтиришни таъминловчи, янги иш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони, 3.2 банди \\\ lex.uz